

Ромитан туман халк таълими булимига карашли  
**3-умумтаълим мактаби 9-синф укувчиси Хусенов Комил**

**ХАВФСИЗЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАККИЕТ ЙУЛИДА**

**6**

**"УЗБЕКИСТОН"**

Инсоният, мамлакатлар ва халклар хаётида XX -аср поёнига етмоқда. Хозирги Ўзбекистонда истикомат килувчиларнинг купчилигини тирикчилик ташвишлари, чин воқелик муаммолари билан бирга "Бу ёруғ оламда биз киммиз ва не бир сир синоатмиз, каёкка караб кетяпмиз? Инсоният янги XXI асрга кадам куйганида бизнинг урнимиз каерда ва кандай булади?" — деган саволлар уйлантириши табиий.

Биз яшаётган давр кандай хусусиятларга эга? Сунгги йилларда жахонда юз берган, дунёнинг журрофий-сиёсий тузилишини ва харитасини тубдан янгилаган узгаришлар хозирги замон ва келажак учун кандай тарихий ахамиятга молик? Булар хакида мулохаза юритиш ва уларга тугри бахо бериш жуда мухим.

Дуне харитасида янги мустакил давлатлар пайдо булди. Улар, хозирги тил билан айтганда, социалистик утмишга эга булган, уз сиёсий мустакиллигини тинч йул билан кулга киритган давлатлардир. Бу давлатлар мустакил ривожланиш ва ижтимоий муносабатларни янгилаш йулига кадам куйди. Улар дунёдаги бошка мамлакатлар орасида уз мавкеини мустахамлашга интиломда. Тенглар орасида тенг булишга, жахон майдонининг таркибий кисмига айланишга харакат килмоқда. Бу давлатлар олдида муваффакиятсиз, чипнакка чиккан тарихий тажрибанинг фожиали окбатларини киска давр ичида бартараф этиш вазифаси турибди. Улар замонавий бозор иктисодиётига эга булган, одамлар муносиб турмуш кечиришини таъминлай оладиган, инсоннинг хукук ва эркинликларини химоя кила оладиган чинакам демократия жамият куришдек мураккаб вазифани хал этиши зарур. Ўзбекистон хам ана шундай давлатлар жумласига киради. XXI аср Ўзбекистон ахолией учун кандай келади? Кишилар турмуши кечагидан канчалик яхшироқ булади? Узимиз учун танлаб олган ислохотлар ва янгиланиш йули ута мураккаб йул эканлигини англаяпмизми? Бу йулда кандай муаммолар, кийинчиликлар, синовларга дуч келишимиз мумкинлигини етарли даражада аник тасаввур кияпмизми? Энг аввало, одамларнинг мана шу бой заминда муносиб хаёт кечиришларини таъминлашга каратилган мақсад ва вазифаларни кай даражада руёбга чиқара оламиз? Энг мураккаб саволлардан бири шуки, биздаги баркарорлик ва хавфсизлик йулида тахдид булиб турган муаммоларни англаб етяпмизми? Хавфсизлигимизга тахдид булиб турган муаммоларга нимани карши куя оламиз? Жамиятимиз баркарор ривожланишига. биз истикомат килаётган минтакада журрофий-сиёсий мувозанат сакланишига нималар кафолат була олади?

Мамлакатимиз янги минг йилликда мустахам, огишмай ва баркарор ривожланишни кафолатлайдиган кандай имкониятларга эга? Жахоннинг барча мамлакатлари билан узаро манфаатли, хар томонлама кенг хамкорлик килиш учун нималаони таклиф эта оламиз? Сониализмдан

кейинги маконда пайдо булган давлатлар уз хавфсизлиги ва баркарорлиги йулида таддид булиб турган муаммоларни бахолашга етарли даражада жиддий муносабатда булмаяпти. Узбекистоннинг, бошка янги мустакил давлатларнинг карор топиб ва ривожланиш тажрибаси, афсуски, шундан дарак бермокда. Бу таддидларни олдиндан кура билишга хамма вақт хам муваффақ булинмаётир. Купинча улар кутилмаганда рий бермокда.

Жуда катта курбонлар, кулфатларга сабаб булмокца. Энг фожиалиси — инсонлар курбон булмокда. Бекарор, вазият вужудга келмокда. Ижтимоий ривожланиш ва тараккиёт жараёнлари секинлашмокда. Ахолида эртанги кунга ишончсизлик, уз хаётидан, кариндош-урурлари якин кишиларининг хаётидан хавотир хисси уйгонмокда ва энг мухими, вокеаларнинг олдиндан билиб булмайдиган тарзда бундай ривожланиши мамлакат танлаб олган сиёсий ва иктисодий йулни амалга ошириш мумкинми, йукми деган масалани кундаланг килиб куяди.

Тоталитар тузум емирилганидан кейин дунёнинг кутларга булиниши бардам топди. Лекин шу туфайли у хавсизрок, баркароррок, собиткадамрок; булиб колдимми. Кейинги йилларда бутун дунё микесида ва минтакалар даражасида вужудга келаётган ташки муносабатларни танкидий тахдил килиш ва энг аввало; бир кан^а мамлакатларда кескин сиёсий кураш бораётган бир вақтда демократия асосларининг баъзан кийинчилик билан карор топиш жараёнларини тахдил килиш миллий узликни англашнинг фаол жонланиши хамда миллатлар ва айрим элатларнинг уз такдирини узи белгилашга интилиши; этник ва миллатлараро зиддиятларнинг сакланиб колаётганлиги, котиб колган мафкуравий акидаларнинг кадрсизланиши хамда сиёсий ва диний экстремизмнинг турли шакллари кучайиб бораётганлиги дунёнинг катта кисмида иктисоди заиф, ахолией кашшок яшаётган мамлахатлар сакланиб колаётганлиги, мамлакатлар, халкдар уртасида, бир мамлакат ичида эса айрим ижтимоий гурухлар уртасида иктисодий ва ижтимоий табакаланиш кучайиб бораётганлиги — буларнинг барчаси дунё хали хам аввалгидек мурт булиб турганлиги ва авайлаб муносабатда булишни талаб килаётганлигидан далолат беради. Бизни куршаб турган олам ниҳоят мураккаб ва муаммоли булиб келди, шундай булиб колмокда ва якин истикболда хам шундай булиб колажак.

Хозирги шароитда, умумий хавфсизликни таъминлаш ва мувозанатга эришиш манфаатлари нуктаи назаридан, янги мустакил давлатларнинг хавфсизлиги ва баркарор ривожланиш муаммолари улкан ахамият касб этмокда. Ер юзида вазият ва кучлар нисбати шиддатли узгариб бормокда. Янги мустакил давлатлар майдонга чикмокда. Бу эса хозирги кунда давлатлар ва халкларнинг баркарорлигини таъминлаш учун янгича ёндашувларни излаб топишни, XXI аср арафасида хавфсизликнинг

янгича моделларини ишлаб чиқишни тобора каттик талаб қилмоқда.

Суверен давлатнинг ҳар бир раҳбари, ҳар бир етакчиси оддий кишилар ишонч билдириб унинг зиммасига юклаган жуда катта бурч ва масъулиятни теран англаб, уй-ҳаёлини ҳамиша тинчлик, осойишталикни саклаш, авайлаш ва мустаҳкамлашга қаратмори керак. Ушбу мураккаб, воқеаларга бой йилларда пойдеворини қуйишга муваффақ бўлинган янги уйни қуриш ва обод қилиш учун урнимизга келадиган авлод олдидаги масъулиятимизни бир дақиқа бўлсин, унутишга ҳаққимиз йук.

Утган йилларнинг мантиқ,и бизни ҳозирги кунда ўқта асосий саволга мурожаат қилишга ундамоқда. Ўзбекистоннинг келажаги ана шу саволларга қандай жавоб беришимизга боғлиқ. Булар қуйидагилардир: ҳавфсизликни қандай саклаб қолиш лозим? Барқарорликни қандай таъминлаш даркор? Таракқиёт йулидан собитқадам ривожланишга нималар ҳисобига эришиш мумкин? Ҳавфсизлик барқарорлик ва танлаган йулдан оғишмаслик деган ана шу оддий сузлар замирида чуқур маъно-мазмун бор. Биз буни билиб олмоғимиз ва англаб етмоғимиз зарур.

Ҳавфдан қандай холи бўлиш мумкин? Ривожланиш учун қуч-мададни қаердан излаш лозим? Булар стратегик муаммолар бўлиб, ҳар қандай мустақил давлат, энг аввало ана,1иу муаммоларга эътибор бериб келган ва бундан буен ҳам эътибор беражак. Ўзбекистон Республикаси бу саволларга жавоб излаш йулида анча тажриба туплади. Бу тажриба бир қанча умумий ҳулосалар чиқаришга имкон беради.

Бугун Ўзбекистон — фақат жуда бой табиий-ҳом ашё захиралари, чексиз бозор ва сармоя сарфланадиган соҳагина эмас. Айни чоғда мамлакатимиз гоят улкан ақл-заковат, маънавий ва маданий имкониятларга эга. Буларнинг барчаси дунёда янги сиёсий ва иқтисодий тартиб фаол шаклланиб бораётган бир шароитда, юртимизнинг ноёб жугрофий урни билан қушилган ҳолда жуда қап жугрофий-сиёсий ва жугрофий-стратегик кизиқиш уйғотади. Сайёрамизнинг жуда катта майдонида қучлар нисбати қуп жихатдан Марказий Осиёдаги янги мустақил давлатлар қайси йулдан боришларига борлиқ. Ҳозир муносабатларнинг сифат жихатидан янғича тартибини шакллантириш жараёнида иштирок этаётганлар бунга эътироф этмасликлари мумкин эмас. Ҳеч шубҳа йукки бу давлатларнинг танлаб олган йули ислом дунёсида қуй бераётган мураккаб жараёнларнинг ривожланиши қандай натижаларга олиб қелишига ва умуман жаҳон ҳамжамяти учун қелиб қикадиган барча оқибатларга ўз таъсирини қурсатади.

Ана шуни тушуниш Ўзбекистон Республикасининг Бутун Марказий Осиёнинг XXI аср бусарасидаги тақдир ва ривожланиш истикболлари ҳақида юритилаётган ҳамда фикр-мулоҳазаларнинг таянч нуктаси бўлиб

колиши керак. Бундай фаразлар ва тахлилий материалларнинг хар кайсиси, албатта, хурмат билан муносабатда булишга сазовор. Бир нарса равшанки баркарорлик ва жугрофий сиёсий мувозанат сакланиб колган шароитдагина бу минтака жушкин ва собиткадам ривожланади, жахон хамжамияти учун муносиб шерик була олади.

Марказий Осиё минтакасида турли сиёсий, иктисодий, харбий, транспортга ва экологияга оид муаммолар тупланиб колган. Шунин назарда тутадиган булсак, бутун минтаканинг собиткадам ва баркарор ривожланишини таъминлаш хамда можароли вазиятларнинг олдини олиш учун хозирги ички ва ташки мувозанатни саклаш ва куллаб-куватлашгина бирдан-бир макбул тамойилдир. Минтакада жугрофий-сиёсий мувозанатни ва баркарорликни саклаган такдирдагина мазкур муаммоларни хал этиш им кони ту гил ад и. Бу эса, уз навбатида, ялпи хавф'сизликни таъминлаш муаммоларини хал килишга кушилган салмокли хисса булади. Узбекистан эркин ривожланаётган дастлабки йилларда орттирилган тажриба хам айни шундан далолат бермоқда. Бу тажриба кулга киритилган ижтимоий-сиёсий ва иктисодий баркарорлик улкан ютук эканлигига ва бу улуг неъматнинг ахамияти чексизлигига яккол ишонтирмоқда. Уз эркимизни кандай тасарруф этиш уни бугунги мураккаб ва баъзан шафкатсиз дунёдаги хавф-хатарлардан саклаш хар биримизга боғлиқдир.

Давлатни акл-идрок билан бошкариш,— мутафаккир Абу Наср Форобий X асрда сабоқ бериб айтганидек, —халк , бошига тушган хавф-хатарни камайтириш ва бартараф этишдан иборатдир. Бугун биз киска муддат ичида танлаган максадимиз йулида анча ишлар килишга муваффақ булганлигимиздан коникибгина колмаймиз, хали яна узок, вақт мобайнида устувор булиб коладиган муаммоларни аник тасаввур этишни урганиш лозим. Бу муаммоларнинг купчилигини ялпи тамойиллар ва улкан воқеа-ходисалар келтириб чиқарган. Шу сабабли бизни ураб турган, хеч ким уз холича яшай олмайдиган, хамма нарса хам бизга боғлиқ булавермайдиган, юксак максадларга эришиш йулидаги интилишимизга жиддий хавф-хатар солиб турган бу дуненинг узи нимадан иборат эканлигини чуқур тушуниб олиш жуда мухим.

Афтидан, бугунги кунда хавфсизлик ва баркарорлик йулида пайдо булаётган тахдидларга тегишли муносабатда була олишнинг узигина етарли эмас. Мавжуд хавф-хатарларнинг табиатини тугри тушуниб етишимиз керак. Уларнинг манбалари ва узаро алоқаларини вақтида аниклашимиз даркор. Жамиятда баркарорликни саклаш шарт-шароитларини белгилаб олишимиз ва улардан самарали фойдаланишимиз зарур. Узбекистон Республикасининг баркарор ва собиткадамлик билан ривожланиши шуларга боғлиқдир. Узбекистон учун унинг кенг маънодаги

миллий хавфсизлиги нимани англатади, биз бу хавфсизликни кандай тасаввур киламиз?

Биринчидан. Ўзбекистон хавфсизликнинг яхлитлиги хақидаги асосий тамойиллардан бирини тула куллаб-куватлайди. Хавфсизлик — узлуксиз холатдир, хадсиз-худудсиздир.

Иккинчидая "Совук; уруш" бархам топганидан кейин ялпи хавфсизликка асосий тахдидни этник, минтакавий маҳаллий можаролар ва давлатлар ичидаги жангари сепаратизм солмоқда. Айникаса, бундай карама-каршилиқлар айрим мамлакатлар кулида уларнинг уз манфаатларини ва таъсир доираларини саклаб қолиш ва химоя қилиш учун ёки стратегик қучлар мувозанатини уз фойдаларига узгартириш учун қудратли сиёсий таъсир воситасига айланмоқда.

Хар бир минтақада хавфсизликни таъминлаш муаммолари муайян моҳиятга эга. Шунингдек, хар бир минтақанинг уз хусусиятлари, уз манбалари ва хавфсизликни сакдаш омиллари бор. Бу кандай минтақанинг ҳал қилинмаган ва газак олиб кетган муаммолари бутун дунёда занжир реакциясини келтириб чиқариши мумкин. Вазиятнинг бекарорлашуви эса кундан-кунга аниқ-равшан булиб бораётган янги жугрофий сиёсий мувозанатни бузиш хавфини келтириб чиқаради. 'Ўзбекистан узининг жугрофий-сиёсий ҳолати жихатидан коллектив хавфсизлик тизими изчил йул қуйилмаган минтақада жойлашган. Бу ҳам тахдид тугдирувчи сабабдир.

XXI аср бусагасида янги мустақил давлатлар жуда катта ички ва ташқи қийинчиликларга дуч келмоқда. Улар мавжуд муаммоларнинг ечимини, ички манбалар ва имкониятларга таянган ҳолда ва шу билан бирга, жаҳон ҳамжамиятининг манфаатдор иштирокидан изламоқда. Айни вақтда улар билан қушни давлатлар уртасида гуманитар, ахборот айирбошлаш, иқтисодий соҳалар ва бошқа жихатлар ҳамда йуналишларда қуп асрлик умумий алоқалар мавжуд. Шу туфайли уларнинг узаро ҳамкорлик қилиш истаги ва интилишлари табиийдир. Бу уринда биз СССР парчаланиб кетганидан кейин пайдо булган ана шу мураккаб муаммонинг биронта жихатига юзақи қарашга ҳақли эмаемиз. Янги мустақил давлатлар уртасида тенг ҳуқуқли ва узаро манфаатли ҳамкорликни қарор топтириш ҳамда шакллантириш билан боғлиқ объектив қийинчиликлар ва мураккаб масалалар устида тухталмаган ҳолда, эътиборни баъзан сунъий равишда турдириладиётган бир қатор муаммоларга қаратиш муҳимдир.

Нафакат ёш давлатларнинг эътибор беришини, балки, энг аввало, халқаро иштирокни талаб этадиган муаммолар жумласига биринчи навбатда империяча фикрлаш ва ҳулқ-атворнинг ҳуружлари туфайли келиб чиқаётган муаммоларни қиритиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳам ана шу ходисалар таъсиридан четда

колгани йук. Утган мустакил ривожланиш йиллари давлатимизнинг суверенитети ва барқарорлигига тахлид сакланиб колмокда, деб айтиш учун асос була олади. Бу тахдид буток давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик рухидаги шиорларда, билдирилаётган фикрларда, шархларда ва муайян хатти-харакатларда аник намоен булмокда. Бу инсоният тарихида асло янги ходиса эмас. Зотан, тарихда айрим йирик давлатлар ва кул сонли мумтозлик нуктаи назаридан амалга оширишга интиланлигини курсатувчи мисоллар жуда куп Бундай ёндашув куп марталаб кенг куламдаги тукнашувларга, конли урушлар ва можароларга олиб келган. Бутун-бутун халклар уртасидаги узаро муносабатларда ишончсизлик ва шубха тугдирган, афсуски, улар баъзан авлоддан-авлодга утиб келган. Бир карашда, гуё инсоният XXI аср бусарасида етарли даражада акл-идрокли булиб колган холда узининг тарихий тажрибасига асосланиб, асрлар давомида таркиб топиб келган баъзи бир андозалардан воз кечиши табиий булиб куринади. Яъни, инсоният хозирги жахон хамжамиятининг очикдан-очик куруниб турган хилма-хиллиги ва куп кирралилигини, унинг барча субъектлари уртасидаги тула тенг хукуклиликни хам бутун жахон цивилизацияси муваффакиятли ривожланишининг табиий ва зарурий шарти сифатида эътироф этилишини талаб килади. Бирок шовинистик ва агрессив миллатчилик инерциясининг кучи хали шу кадар залворлики, бу куч унга дуч келганлар учун хам, уни бошкаларга каратаётганлар учун хам накадар хавфли эканлигини пайкамаслик мумкин эмас.

Ушбу тарихий тажриба шундан сабок берадики, катта сиесатга интилаётган, бошка халкларни амситиш ва чеклаш асосида уз халкига фаровонлик яратиб беришга ва шу холатни саклаб туришга харакат килаетган сиёсатчилар ва шахсдарнинг хатти-харакатларини хеч кандай олижаноб ниятлар хам оклай олмайди. Шунга карамай, хозирча бундай хуружлар мавжуд ва жуда сезиларли. Уларни эсдан чикармаслик ва хушёр туриш зарур.

Виз буюк давлатчилик шовинизмини ва агрессив миллатчиликни кандай тушунамиз, унинг хозирги курунишлари нималардан иборат?

Тарихий тажрибага асосланиб, бу ходисани муайян кучлар ва давлатлар томонидан буладиган сиесий, мафкуравий ва иктисодий хукмронлик деб ёки миллатлараро ва давлатлараро, минтакавий муносабатларда унга интилиш деб таърифлаш мумкин.

Шовинизм баъзи куп сонли миллатларнинг нафакат куп миллатли империя доирасида, балки уни ураб турган жугрофий-сиёсий маконда хам узининг мутлак хукмронлигини урнатиш учун курашида намоен булади.

Одатда, худуд жихатидан кичик булган ва энг асосийси — икгисодий имкониятлари заифлашган ва ички бекарор давлатлар ана шундай даъволарга нишон булади.

Буюк давлатчилик шовинизми бошка миллатлар ва мамлакатлар билан узаро маданиятли хамкорлик килишга тайёр эмасликдан келиб чикади. Унинг ифодачилари харбий империялардир. Бу империяларнинг икгисодиёти босиб олинган худудларни эксплуатация килар ва хатто уларнинг хаеий манбалари хисобига яшар эди. Айни чога буйсундирилган халкларга уларнинг маданий жихатдан ва умуман миллий жихатдан норасолиги хакидаги халокатли гоя сингдилар эди.

Бизнинг улкамиз хам ана шундай кисматдан кочиб кутулолмади. У хам узок вакг давомида хукмрон шовинистик ва агрессив миллатчилик гояларининг бутун жафоларини тортиб келди. Узбекистон Россия империяси, сунгра эса Совет империяси таркибида мажбуран ушлаб турилган мураккаб даврни бошидан кечирди. Бу давр хозирги пайтда турлича, баъзан бир-бирини истисно этадиган тарзда талкин килинмокда.

Афтидан, Марказий Осиёда содир булаётган ходисаларнинг купдан-куп шархлари муайян сиёсий ва мафкуравий йул-йуриklar таъсирида берилмокда, деб айтиш учун барча асосларга эгамиз.

Шу сабабга кура, таркатайётган фикрлардан иккитасини алохида ажратиб курсатиш мумкин. Бу фикрлар Марказий Осиё учун мулжалланган хилма-хил "андозалар"нинг хаммасини акс эттирмаса-да, бироқ уларнинг муаллифларини жуда яхши тавсифлаб беради. Биринчи "андоза"нинг муаллифлари, эхтимол самимий тарзда, минтака Россия империяси таркибидаги Туркистон мухторияти сифатида" ривожланиб, уз метрополиясидан зарур рагбатдарни олиб турар эди. Чунки чор Россияси махаллий анъаналар ва асосларни йук килмаган ва бузмаган холда улканинг буржуача тадрижий ривожини рабатлантирган эди, деб хисоблайдилар.

Минтакада утказилган большевикча тажриба, шу жумладан миллий-давлат чегараланиши, ижтимоий тузумнинг анъанавий куринишларини бостириш ёки чеклаш, • иктисодиётнинг хаддан ташкари ихтисослаштирилиши ушбу гурух муаллифлари томонидан кескин танкид килинмокда. Улар бунини Марказий Осиё минтакасидаги хозирги зиддиятларнинг асосий сабабларидан бири деб хисобламоқдалар. Айни шу мантикка мувофик, коммунистик тузумдан кейинги янги Россия минтакада баркарорлаштирувчи ролни уйнаш учун жуда мое келар эмиш.

Бошка фикрларга кура, минтакадаги мураккаб муаммоларни бу

улканинг узок давом этган мустамлака утмиши келтириб чиқарган. Мустамлакачилик мусулмон аҳолининг рухиятига мутлако ёт унсурларни олиб кирган. Вужудга келган ахволдан кутулиш йули сифатида улканинг уз тарихий ва миллий негизларига кайтиш таклиф килинади. Бунта эса минтакадаги давлатлар факат кушни мусулмон мамлакатларига эргашган, келажакда улар билан янада якинрок интеграцияга киришган такдирдагина эришиш мумкин эмиш.

Бирок бу нуктаи назарларда яхлит объектив ва илмий ёндашишдан кура „сиёсат ва эхтирос анча устунлик килади. Мазкур (Бикрларда расмий мантикнинг хамма белгилари мавжуд булишига карамай, уларнинг муаллифлари ута кескин нуктаи назарларнинг ифодачиларидир. Бу нуктаи назарлар айна буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчиликнинг хуружлари туфайли келиб чиқкан.

Шубхасиз, йирик империялар бошка мамлакатлар ва халкларни босиб олгани хамда буйсундиргани холда умумжахон тараккиётдан орқада колган мамлакатларда муайян даражада маърифатчилик вазифасини хам адо этиб келган. Мустамлакачиликка бундай бахо берувчилар империялар босиб олинган мамлакатлар инфраструктурасини, айрим ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга, миллий кадрларни тайёрлашга, улар аҳолисини фаолиятнинг янги турларидан ва жахон маданиятидан бахраманд килишга кушган хиссаларини таъкидлаб курсатадилар.

Бунга кушилмаслик мумкин эмас. Лекин буюк империялар билан кам сонли халклар уртасидаги узаро муносабатлар жараёнининг салбий жихати хам булган. Бу салбий окибат ташқаридан олиб кирилган цивилизация натижаларидан кура бир неча баравар ортик эди.

Энг аввало. мустамлакалар вф ярим мустамлакаларни ривожлантириш йулидаги куч-гайратлар буюк давлатларнинг кундалик ва узок муддатли манфаатларига буйсундирилганди. Шу жихатдан олганда, карам халкларнинг манфаатлари хамма вақт иккинчи даражали ахамиятга эга булган. Империялар карам мамлакатлар тараккиётини, уз манфаатлари доирасидан четга чиқмаган холда, хамиша каттик чеклаб келган ва муайян йулдан олиб борган. Хусусан, Марказий Осиёнинг инфраструктурасидаги узгаришлар, йул курилиши ва коммуникацияларнинг ривожлантирилиши, ана шу максадлар учун империяга хизмат килувчи миллий кадрларни тайёрлаш — буларнинг барчаси империянинг манфаатларини кондирганлиги, бу холда арзон хом ашё ва энергия манбаларидан бахраманд булишни кафолатлаши керак булганлиги учунгина амалга оширилган.

Иккинчидан буюк давлатларнинг цивилизациядорлик харакати мумтозлик ва атрофдагиларга менсимай карашдан иборат халокатли

рухиятни вужудга келтириб ва мустахкамлабгина колмади, балки бу цивилизация зурлик билан жорий килингани, миллий нафсоният ва ифтихорни камситгани, миллий маданиятлар ва маънавий кадриятларни топтагани, уларнинг ифодачиларини жисмонан йук килиб ташлагани учун бундай харакат тегишли каршиликка хам учрар эди. Нихоят, илдиз отиб кетган бошқариш ва ақл ургатиш одати, узининг нуксонсизлигига ишониш стратегик жихатдан хато карорлар қабул килинишига олиб келиши мумкин. Бундай карорларнинг оқибатлари империянинг узи учун портловчи модда булиб хизмат килади. Чор ҳукуматининг хам, Совет давлатининг хам тақдири бунинг яккол далилидир.

Шовинистик кайфиятдаги шахсларнинг аҳвол-рухияси ва сиёсатида мавжуд булган салбий потенциал хақида фикр юритганда, улар дунё микёсида тугдирадиган бошқа бир кутор таҳдидларга хам эътиборни каратиш зарур.

Тарихий тажрибада кайта-кайта тасдиқланганидек шовинизм авторитар тузумлар урнатилиши ва мустахкамланишини рағбатлантиради, шафқатсиз диктатурага олиб боради. Чунки буйсундирилган ва қарам халқларнигина эмас, балки бир қисми муқаррар равишда бундай сиёсий йулга қарши чиқадиган уз аҳолисини хам бошқача шароитга итоатқорликда сақлаб туриш мумкин булмайди.

| Шовинизмнинг тарихан халокатли эканлигига сабаб шуки, хаддан ! ташқари қучайиб кетган ва, айниқса, уз миллий мумтозлигига ишонишга [ асосланган буюқ давлатчилик зуравонлик асосига қурилганлигидандир. Бу ! эса, уз навбатида, буюқ давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчиликни I ифода этувчи давлатларнинг узида қуплаб қурбонлар ва йукотишларга олиб ; келади.

Шу боис айтиш мумкинки, шовинизм пировардида давлатнинг узига зарба беради, унинг пойдеворини ^қучсизлантиради, ички зиддиятларни қучайтиради. У жамиятни парчалаб юборишга ва унинг учун оғир булган оқибатларни келтириб қйқаришга кодир. Гарчи тарихий даврлари ва шарт-шароитлари турлича булсада, Рим, Усмонлилар, Германия хамда Россия ва Совет империяларининг тақдирида бунга қуплаб мисоллар топиш мумкин.

Ҳозирги шароитда шовинистик таҳдидларнинг таъйикини бошдан кечириб турган қичик мамлакатлар ва халқлар уз. хавфсизлиги хамда суверенитетини таъминлаш мақсадида буюқ давлатчиликка қарши қоралар излашга мажбур булмоқда. Оқибатда буларнинг хаммаси бутун халқаро муносабатлар тизими янада сорломлашишига эмас, аксинча, дунё микёсида жаҳоннинг қуч марказлари уртасидаги муносабатларда зиддиятларнинг зурайишига олиб келиши мумкин.

Юкорида айтилганлардан келиб чикиб, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик унсурлари хозирги кунда бизнинг мамлакатимизга нисбатан канчалик кучга эга, бу ходисага кандай тун кийдирилмасин, у бизнинг хавфсизлигимизга кандай реал тахдид тугдирмокда, деган масала Узбекистон Республикаси фукаролари учун долзарб булиб турибди.

1991 йил янги давр бошланган тарихий нукта булди. Шу йили тоталитар тузумнинг собик курбонлари уз мамлакатларининг озод булишига эришди ва миллий давлат сифатида кайта тикланиш имкониятини кулга киритди, Россиянинг узи путури кетган ва папчаланиб бораётган империяни бузиб ташлашни бошлаб берганлиги конуний ва рамзий холдир. Шунинг учун хам демократик, иктисодий ва сиёсий жихатдан соғлом хамда равнак топиб бораётган Россия барча янги суверен давлатларнинг, шу жумладан Узбекистон Республикасининг хам мустакиллигини мустахамлаш учун ниhoятда зарурдир.

Империя буюк давлатчилигининг партияси хокимият тепасидан кетгач, буюк давлатчилик шовинизми хам утмишда коладигандек булиб курунган эди. Бирок хаёт бу умидларга ташвишли тузатишлар киритди.

Шовинизм билан агрессив миллатчиликнинг коришмаси булган буюк давлатчилик бугунги кунда нималарда намoен булмокда?

Энг аввало шундаки, муайян гурухга мансуб сиёсатчилар ва экспертлар уз фикрлари ва хатги-харакатлари билан хозирги дунёда собик Совет Иттифоки Москва ва Россиядангина иборат булмаганлигини тушуниш узиб бораётганлигидан хафсалалари пир булганлигини ошкора курсатмокдалар. Шунинг учун хам собик иттифокдош республикалар уз миллий-давлатчилик манфаатларини аник ифодалабгина колмай, айна чоғда бу манфаатларни таъминлашга каратилган тамомила мустакил сиёсатни хам амалга ошираётганликлари асабийлик билан ва хатто алам билан карши олинмокда.

Кейинги вақтларда Россиянинг очик матбуотида бу мавзуда узундан-узок тахлилий материаллар ва бошка маколалар кайта-кайта босилиб чикмокда. Уларнинг оханги ва ЧШЗМУнига карасангиз, журналистнинг каламини эмас, балки махсус хизматлар ва айрим сиёсатчиларнинг тажрибали кулини курасиз. Бу маколалар шовинизм хавфи ва унинг собик совет маконида пайдо булиб, "якин хориж" деб аталаётган янги мустакил давлатларга нисбатан курунишлари уйлаб чикарилган муаммо эмас, балки Россиянинг узи учун хам, унга кушни мамлакатлар учун хам бирдай хавфли тахдиддир, деган хулосани жуда яхши курсатиб ва асослаб беради.

Айрим маколаларда ашаддий шовинистлар ва миллатчиларнинг ошкора даъволари хеч кандай ақлга сигмайди. "Новая независимая газета"нинг 1997

йил 26 март сонидә "МДХ: тарихнинг ибтидосими еки интихоси?" деган дабдабали сарлавха остида босилиб чиккан бош маколани, мухаррир маколасини мисол килиб келтириш кифоя.

Бу макола хамдустлик давлатлари бошликларининг 1997 йил 28 мартдаги учрашуви арафасида эълон килинди. Унда, тахририятнинг фикрича, "советлардан кейинги маконда бирлашишга мутлако янгича ёндашувлар" баён этилган. Афсуски, бу макола ёки, унинг номаълум муаллифлари атаганидек, маъруза билан юзаки танишиб чикишнинг узиёк гап интеграцияга янгича ёндашувлар хакида бормаётганлигини курсатади. Аксинча, у мазкур мамлакатларда вазиятни бекарорлаштиришга, мавжуд ҳолатни ва советлардан кейинги маконда юз берган реал воқеликларни кайта куриб чикишга даъват этади. Бу эса халқаро ҳуқуқ ва БМТ аъзолари булган давлатларнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳурмат килишнинг нормал ахлокий қоидалари нуқтаи назаридан мутлако йул қуйиб булмайдиган ҳолдир. Муаллифларнинг фикрича шуларнинг хаммасини Россиянинг хавфсизлигини таъминлаш ва унинг собик СССР чегараларидаги буюк давлатга хос ва ҳукмрон мавқеини саклаб қолиш учун амалга ошириш керак эмиш.

Масалан, улар: "Россия собик совет республикаларининг давлат булиб шаклланмаган (давлатга ухшаш) тузилмалар ҳолатидан чикиб, барча зарур белгиларга эга булган реал давлатларга айланишига, сунгра иктисодий соҳада интеграцияни амалга оширишига, фақат шундан кейингина харбий ва сиёсий интеграция жараёни, чинакам янгиланган суверен ва озод давлатлар иттифоқини барпо этиш жараёни юз беришига — интеграциянинг ана шундай мантикига амалда розилик бериб, энг катга хатога йул қуйган", — деб ҳисоблашмоқда.

Бу хатони тугрилаш учун "...таъсир курсатишнинг барча иктисодий, харбий, этник-демографик ва бошқа воситаларидан фойдаланган ҳолда давлат ҳокимияти теварағнда Россияга қарши ва интеграцияга қарши қайфиятдаги қучлар жипслашишига йул қуймаслик мақсадида Россияни собик СССР республикаларидаги давлат қурилиш жараёнига дадил жалб этиш" таклиф қилинмоқда. "Фақат фаол ҳаракатларгина (хатто минтақалардаги ички сиёсий вазиятни бекарорлаштиришгача...) аста-секи Россия маъмурларининг ҳозирги сиёсати туфайли мукағзрар юз бераётган жараённи — бу давлатларнинг Россиядан узоклашиш жараёнини тухтатиб қолиши мумкин экан.

Шу билан бирга, уларнинг фикрича, "устувор йуналишларни узгартириш Россияга СССР парчаланиб кетганидан кейин республикаларнинг ҳудудий чегараланиши соҳасидаги келишувларнинг мавжуд тизимини бошдан-оёқ қайта куриб чикиш, уларга нисбатан ҳудудий яхлитлик тамойилини инкор этиш ҳамда бу маконни миллатларнинг уз тақдирини узи хал қилиш ҳуқуқи асосида қайта тақсимлаш масаласини қуйиш учун баҳона булар" эмиш.

Макола муаллифларини Марказий Осиё мамлакатларининг интеграциялашуви кучайиб бораётганлиги айникса чучитмокда. Улар бундан кандайдир "Жанубнинг таҳиди" деб билмокдалар. Улар Марказий Осиё мамлакатларининг интеграцияси "...Россия иктисодиётининг минтакадаги манфаатларига болта уради, советлардан кейинги давлатлар иктисодиётининг Гарб ва Жанубдаги ривожланган мамлакатларга буйсундирилиши эса Россияга урин колдирмайди", деб ишонмокдалар. Ана шу нуктаи назардан келиб чикиб, улар мана бундай маслахат беришмокда: "Россия асосий эътиборни шаклланиб бораётган блокни (Марказий Осиё Хамдустлигини) заифлаштиришга, уни парчалаб юборишга хамда минтака ичида ракобатни кучайтиришга каратиши керак".

Шу мақсадларда таъсир курсатишнинг хилма-хил усуллари ва йулларидан фойдаланиш таклиф килинади. Булар орасида "зурлик" (бу давлатларнинг хом ашё экспортини тартибга солиш еки тартибга соламан деб таҳдид килиш, шунингдек, уларнинг Россияга ташки карзларини каттик шартлар асосида кайта куриб чикиш) ва "тилёгламачилик" (кредитлар, товар етказиб бериш, буюртмалар, имтиезлар ва шу кабилар тарзидаги харбий, иктисодий ва молиявий ёрдам) сиёсати хам, "кушинларни (Тожикистондан) олиб чикиб кетиш ва худудий даъволар билан таҳдид солиш" хам бор. Урта Осиёнинг Россия транспорт инфраструктурасига карамлиги хам хисобга олинмокда, бу "...минтакадаги янги давлатларни иктисодий камал — биринчи навбатда озик-овкат ва энергетика камали шарпаси каршисида жуда заиф килиб куяди".

Хозир республикада хал килинаётганг долзарб муаммолардан бири ишлашни хохловчиларнинг хаммасини иш билан таъминлаш хисобланмайди. Балки энг макбул, ижтимоий йуналтирилган иш билан бандликни вужудга келтиришдан иборатдир. Вазифа республиканинг хар бир фукаросига меҳнат фаолиятининг тури ва шаклини эркин танлаш учун чинакам имконият яратишдир.

Ўзбекистондаги меҳнат салохиятининг муҳим хусусийлиги — унинг таълим даражаси юкорилигидир. Республикада ахолининг ялпи саводхоилиги муаммоси тула хал килинган. Саводхонлик даражаси 99,06 фоизни ташкил этади. Бу эса республикани инсон салохияти юкори даражада ривожланган иктисодий таракюш этган мамлакатлар билан бир каторга олиб чиқади.

Меҳнат захираларининг умумий ва профессионал таълим даражаси хам юкоридир. Республикада мажбурий умумий урта таълим конун йули билан мустахкамлаб куйилган. Бундай таълимни умумий таълим мактаблари, лицейлар, гимназиялар, урта кабб-хунар укув юртлари ва тижорат

мактабларининг кенг тармоги оркали олиш нумкин.

Бу борада кизикарли ва намунали статистика мавжуд. 15 ва ундан катта ёшдаги хар 1000 кишига хисоблаганда, олий ва туликсиз олий маълумотлилар сони анча ортди. Хозирги вақтда у 143 кишини ташкил этади. Шу билан бирга таълим олиш 11,4 йилга етди. Хар 1000 кишининг 200 нафари урта махсус маълумотли мутахассислардир. Моддий ишлаб чиқариш ва хизмат курсатиш соҳасида банд булган турт кишининг биттаси олий ёки урта махсус маълумотга эга. Яъни хозир билим даражаси жихатидан республика ҳақли суратда уқимишли мамлакатлар каторига киради.

Бунга олий ва урта махсус укув юртлири тармогини кенгайтириш, таълим тизимини ислох қилиш хисобига эришилди. Хозирги вақтда республикада укув юртлирининг кенг тармоги вужудга келтирилган. 59 та олий укув юрти, 258 та урта махсус укув юрти ишлаб турибди, шулардан 75 таси коллеждир.

Республикадан ташқарида ҳам кенг танилган энг йирик университет марказлари — Тошкент ва Самарканд давлат университетлари, Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети, Жаҳон тиллари университети, Тошкент иқтисодиёт университети, Техника университети, Аграр университет, Консерватория, Санъат институти, шунингдек, республиканинг барча минтақаларида жойлашган тиббиёт, гуманитар, техника олий укув юртлирининг кенг тармоги таълим тизимининг узагидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси, Банк-молия Академияси ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбар ходимларини, иқтисодий тузилмалар мутахассисларини тайёрлайдиган, қайта тайёрлайдиган ва малақасини оширадиган бош муассасалардир.

Бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳужалик юритишнинг илгор усуллари ва ишлаб чиқаришни илмий-техникавий ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ билим соҳалари буйича мутахассислар тайёрлаш кенгаймоқда. Хозир ихтисослаштирилган олий ва урта укув юртлирида 360 мингдан ортик талаба уқимоқда ва малақа эгалламоқда. Ёшларни жаҳон фани ва билимлари ҳазинасидан баҳраманд қилишга катта эътибор берилмоқда. Республика\* укув юртлирининг чет эллардаги укув марказлари билан алоқалари анча<sup>^</sup> мустаҳкамланди. Чет эллик уқитувчилар ва мутахассисларни хорижий тилда машғулот олиб бориш учун таклиф қилиш, шунингдек, чет эл укув ва илмий марказларида ходимларнинг малақа ошириши ва талабаларнинг уқиши кенгайиб

бормоқда. Айни вақтда жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатидан келган 1250 дан зиёд хорижий фуқаро Ўзбекистонда таълим олмоқда.

Таълим соҳасида Ўзбекистон АКСЕЛС, АЙРЕКС Америка Коллежлари Консорциуми, САРЕ, Тинчлик Корпуси (АҚШ), ДААД, Конрад Аденауэр Фонди (Германия), Британия Кенгаши (Буюк Британия), Сауд Ал-Баптин Фонди (Миср) каби халқаро ташкилотлар ва бошқа ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда.

Ўзбекистон-Америка ва Ўзбекистон-Корея Универсиетларини ташкил этиш устида иш олиб борилмоқда. Канада томони билан биргаликда Халқаро менежмент ва бизнес олий магистрлик мактабини ташкил этишга тайёргарлик қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларнинг чет элда ўқишини қўллаб-қувватловчи "Ўмид" жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарма ажратилган грант ҳисобига АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия ва Япониянинг энг нуфузли университетларида қўллаб-қўллашчиликлар бўйича бакалавр ва магистр даражаларини олиш имконини беради.

Буларнинг барчаси республикада амалга оширилаётган демократик ва иқтисодий ислохотларни кадрлар билан мустаҳкам таъминлашга, меҳнат ва ақд-заковат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва оширишга қаратилгандир.

Мамлакатни жадал ривожлантириш борасидаги дастурий вазифаларни амалга оширишда фанни ва илмий инфраструктурани ривожлантириш гоят муҳим аҳамиятга эга.

Республика фани қудратли интеллектуал салоҳиятни яратган. У ҳаётимизнинг қўллина соҳаларида амалда қўлланмоқда. Ватанимизнинг миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Табиий захиралар чегараланганлиги туфайли корхоналар ҳамда умуман давлат фаолиятининг муваффақияти ҳозир қўл жихатдан фан-техника тараққиёти ютуқлари, чуқур илм талаб қилаётган технологиялар қанчалик кенг жорий этилаётганлиги, кадрларнинг касб тайёргарлиги даражаси билан белгиланади.

Тарихан Ўзбекистон Республикасида шаклланган интеллектуал

салохият ХХІ аср бусарасида узининг ривожланиш даражаси жихатидан, инновацион кашфиётлар, имкониятлари билан hozirги вақтда жахондаги купгина ривожланаётган мамлакатлардан илгарилаб кетган. Куп жихатдан эса иктисодий ривожланган мамлакатлардан қолишмайди.

Муболагасиз айтиш мумкинки, фанимиз, ақл-заковат салохиятимизнинг ноёб ва гузал биносига бундан асрлар мукаддам пойдевор солинган эди. Мамлакатимиз фани жуда қадим замонлардан юксала бошланганини, унинг чуқур ва қудратли илдизлари борлигини фахрланиб айта оламиз. У асрлар давомида узбек миллатига, бутун инсониятга табиат сирларини урганишда, тиббиёт, фалсафа ҳуқуқшунослик, илоҳиёт, адабиётшунослик ва тилшуносликда ишончли хизмат қилиб келмоқда.

Узоқ утмишдаёқ узбек халқининг илгор мутафаккирлари олиб борган тадқиқотлар, уларнинг амалга оширган кашфиётлари жаҳон, умуминсоният фани ва маданиятининг олтин хазинасини ташкил этади. Билимлар хазинасини очган буюқ аждодларимизнинг номлари бутун дунёда машҳур. Булар буюқ математик ва астрономлар ал-Хоразмий, Фаргоний, Жавҳарий, Марвазий, Улугбек; файласуф ва илоҳиётчи-ҳуқуқшунослар Форобий, Имом Бухорий, Имом Термизий, Маргиноний, Насафий; комусий олимлар Беруний, Ибн Сино; тилшунос шоирлар Кошгарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Замахшарий, Алишер Навоий; тарихчилар Бобур Мирзо, Абулғози Баҳодирхон, Оғахий ва бошқа купгина улуг зотлардир.

Олимларимиз энг яхши анъаналарни узлаштириб, тарихий меросимизни чуқур урганиб, буюқ аждодларининг ишларини муносиб давом эттирмоқдалар. Илмий зиёлиларимизнинг муҳим фазилати ҳамма вақт билимга, илгор илмий тафаккурнинг олдинги марраларида булишга интилишдан иборат. Улар янги, қам урганилган, долзарб муаммоларни тадқиқ қилишга қадил қиришиб, уз меҳнатлари билан республикаларимизнинг ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга, инновация салохиятини мустаҳкамлашга сезиларли хисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон инновацион ривожланиш турининг hozirги замон моделига утиш учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модель вужудга келтирилган илмий -техникавий салохиятдан қенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий фаннинг ютуқларини, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни амалиётга қенг жорий этишга, юқори малақали, иқтидорли илмий кадрлар сонини қупайтиришга асосланади. Бу — мамлакатимиз жаҳондаги иктисодиёти ва саноати ривожланган давлатлар қаторига қириб қоришининг зарур шarti ва мустаҳкам пойдевори булиб хизмат қилади.

Хозир Узбекистон Марказий Осиёдаги йирик илмий марказдир. Бу марказ тадқиқот учун зарур бўлган ривожланган моддий асосга, кенг илмий фондга, малакали илмий кадрларга эга. Уларнинг меҳнати бутун дунёда эътироф этилган.

Республиканинг илмий-тадқиқот мажмуи академия, олий укув юртлири ватармок йуналишидаги 362 муассасани, шу жумладан, 101 илмий тадқиқот институтини, олий укув юртлиридаги 55 илмий-тадқиқот булинмаларини, 65 лойиха-конструкторлик ташкилотини, 32 илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва тажриба корхоналарини, 30 ахборот-хисоблаш марказини уз ичига олади. Илмий салохиятнинг узаги Узбекистон Республикаси Фанлар академиясидир. У минтақадаги етакчи илмий ва тажриба маркази булиб, ярим асрдан ортирок тарихга эга. Унинг таркибида ташкил этилган Ядро физикаси институти, "Физика-Куёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Биолог" ИИБ, Майданак тоғидаги баланд астрономия обсерваториялари мажмуи ва бир катор бошка марказлар муваффақиятли тадқиқотлар олиб бормокда.

Фан соҳасида 46 мингга яқин киши банд булиб, шулардан 2,8 минги фан доктори ва тахминан 16,1 минги фан номзодидир. Биринчи марта Узбекистон Республикасининг Олий аттестация комиссияси тузилди. Унинг вазифаси ёш илмий кадрлар тайёрлашдир. Айни вақтда фаннинг 20 тармоги буйича юкори малакали илмий кадрлар тайёрланмокда.

Хозир республика олимлари замонавий фаннинг купгина. йуналишларида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боришмокда.

Республикада куйидаги йуналишлар буйича жахон даражасидаги илмий мактаблар яратилган булиб, уларда тадқиқотлар муваффақиятли олиб борилмокца.

Узбекистан олимлари зилзилалар юз беришининг геологик сабабларини ва шарт-шароитларини ургандилар, зилзилалардан дарак берувчи белгиларни излашнинг гидрогеосейсмологик усулларини ишлаб чиқдилар. Бу зилзилаларни олдиндан айтиш имконини беради. Худудни сейсмик жихатдан районлаштириш ишлари амалга оширилди ва сейсмик жихатдан фаол худудлар харитаси тузилди. Натижада республикада курилаётган ишлаб чиқариш бинолари ва уй-жойларнинг зилзилага бардошлилигини таъминлаш имкони тугилди. Ер ости иншоотлари - коммуникация тармоклари, метрополитен ва бошкаларнинг сейсמודинамика назарияси яратилди.

Ривожланган транспорт коммуникациялари тизими мавжудлиги ҳам

Узбекистоннинг жугрофий-стратегик мавкеини жозибадор килувчи мухим омилдир. Хозирги вақтда мамлакатнинг транспорт тизими мамлакат ичида юк ташиш эхтиёжларини амалда каноатлантирмоқда.

## V

Республикадаги темир йул ва автомобиль йуллари тармоги Марказий Осиёда энг зич хисобланади. Темир йуллар узунлиги 6,7 минг километрдан зиёд булиб, купгина йуллар электрлаштирилган. Автомобиль йулларининг 80 фоиздан ортиги каттик копламали йуллардир. Бу йулларнинг купчилиги халқаро ва давлат ахамиятига молик булиб, улар такомиллаштирилган копламага эга.

Темир йул ва автомобиль транспорт коммуникациялари тармоги республиканинг энг олис туманлари ва ахоли манзилгохларини узаро пухта боғлаб туради, халқаро транспорт тизимларига уланишни таъминлайди. Шу билан бирга улар бой улқамизнинг асосий табиий ва минерал-хон ашё захиралари манбаларига бемалол кириб боришни таъминлайди.

Узбекистон халқаро авиация коммуникацияларини ривожлантириш жихатидан хон кулай уринда жойлашган. Европа билан Шарқий Осиё уртасида жойлашган Узбекистон жуда истикболли халқаро транспорт тармори булиб хизмат килиши мумкин. Бу тармок юқлар ва йуловчиларнинг хаво орқали транзит усулида ташилишини таъминлайди.

"Узбекистон хаво йуллари" миллий авиакомпанияси ИКАО аъзоси булиб, унинг таркибида Тошкент аэропортидан ташқари яна 12 та минтақавий аэропорт мавжуд.

Шулардан 3 таси халқаро тоифадаги самолётларни қабул килишга мослаштирилган.

Бундан ташқари, чет эл капитали иштирокида ва хорижий мутахассисларни жалб этган холда, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Наманган, Термиз шаҳарларидаги аэропортлар қайта қурилмоқда. Минерал захиралар асосий хазиналарининг қок марказида — Учқудук шаҳрида янги аэропорт бунёд этилмоқда. Хозирги вақтда хаво йуллари Узбекистонни жаҳондаги қуп мамлакатларнинг йирик шаҳарлари — Нью-Йорк, Лондон, Франкфурт-Майн, Афина, Тель-Авив, Бангкок, Сеул, Дехли ва бошқа шаҳарлар билан бевосита борлаб турибди. Мустақиллик қулга киритилгач, қушни давлатлар ва Жаҳон океанига қикишни таъминлайдиган энг қиска ишонқли транспорт йулларини барпо этиш

максадида транспорт алокаларининг халқаро тизимларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг сабаби шундаки, республиканинг жугрофий жойлашиши туфайли, бир неча ун йилликлар давомида бизнинг чет мамлакатлар билан иктисодий алоқаларимиз асосан темир йул орқали амалга оширилган. Юқлар собик Совет Иттифокининг Коора денгиз, Болтик денгизи, Япон денгизи ва Шимолий денгиз сохилларидаги бандаргохлар орқали ташилган эди. Бундай транспорт нули буйича юк ташиш киммат тушишидан ташқари, жанубий йуналишда транспорт коммуникациялари амалда ривож топмади.

СССР парчаланиб кетганидан кейин ташқи коммуникациялар муаммоси Ўзбекистон учун янада кескинлашди. Чунки энди денгиз бандаргохларига чиқиш учун бир неча мамлакатларнинг худуди орқали утишга тугри келмоқда. Ўзбекистон денгиз бандаргохларидан энг узокда жойлашган мамлакат булиб колди. Энг киска йул карнйб 3 минг километрни ташкил этади. Бу эса ниҳоятда олис йулдир. Табиийки, бу хол давлатнинг иктисодий алоқаларини кенг ривожлантириш имкониятларини чегаралаб куяди. Колаверса, бу хол республикада юқларимиз транзит тарзида утадиган мамлакатларга карам килиб куяди, шундок хам юқори транспорт тарифларининг тухтовсиз ошиб бориши махсулотларимизни ракобатта бардош беролмайдиган килиб куяди.

Жахон тажрибаси бевосита денгизга чиқа олмайдиган мамлакат ташқи иктисодий операцияларда анча ютказиб куйишини курсатмоқда. Бу Ўзбекистон мисолида яна бир бор тасдиқланмоқда. Шу сабабли биз ташқи иктисодий алоқаларимизни транспорт билан таъминлаш муаммоларини хал қила оладиган, Жахон океанига чиқишни таъминлайдиган мукобил йулларни излаш билан боглик масалаларни фаол хал қилишга интиломдамиз. Шу максадда Ўзбекистон БМТнинг "Транзит юк ташишда хамкорликни ривожлантириш орқали савдони кенгайтириш" дастурини руёбга чиқаришда иштирок қилмоқда. Бу дастур доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг транзит транспорт орқали йулларини вужудга келтириш соҳасида биргаликда бажарадиган вазифалари ишлаб чиқилмоқда. Бу транспорт йуллари уларга денгиз бандаргохларига чиқишни таъминлайди ва қадимги савдо йули — Буюк Ипак йулининг тикланишига ёрдам беради.

Марказий Осиё республикалари, Иктисодий хамкорлик ташкилоти (ЭКО)га қирувчи бошқа мамлакатлар уртасида ҳукуматлараро шартнома тузилди ва Тажан-Сарахс-Машҳад темир йулини қуриш амалга оширила бошлади. Бу темир йул Пекинни Истанбул билан борлайдиган Трансозиё магистралининг тарқибий қисми ҳисобланади. 2000 йилда қурилиш тугаллангач, бу йулда иккала йуналишда 6-8 миллион тоннагача юк ташилиши қутилмоқда. Кейинчалик эса бу курсатқич икки баравар ортади. Ушбу транспорт йули орқали ҳаракат бошланиши

Ўзбекистоннинг ҳам Шарқда — Осиё-Тинч океан минтақасидаги мамлакатлар билан, ҳам ғарбда — Туркия ва у орқали Европа билан ташқи савдо алоқалари қушимча суратда қучайишига тўртки беради. Шу билан бирга, юк ташиш узоклиги ҳар икки йуналишда ҳам икки барабардан зиёд қисқаради.

"ТАСИС" дастури доирасида Европа Иттифоқининг техникавий ёрдами амалга ошириш орқали "Трасека" лойиҳасини рўйга чиқариш Ўзбекистонни коммуникация ва транспорт билан таъминлашдаги қийинчиликларни бартараф этишда гоят истикболли аҳамиятга эга. Бу лойиҳа Марказий Осиё мамлакатлари, Озарбайжон, Грузия ҳудуди орқали Қора денгиз бандаргоҳларига олиб чиқадиган Транскавказ магистралини вужудга келтиришни назарда тутди.

Ўзбекистон темир йуллар қурилишида иштирок этиш билан бир қаторда, Хитой ва Покистонга олиб борадиган Андижон — Уш — Эргаштом — Қашқар, шунингдек, Бухоро — Сарахс — Машҳад — Техрон ва Термиз — Хирот — Қандаҳор — Қарочи автомобиль йулларини қуриш ва қайта таъмирлаш ишларига ҳисса қўшган ҳолда қатнашишдан ҳам манфаатдор. Бу йуллар Ҳинд океанига чиқишимизга имкон беради. Ушбу транспорт йулидан фойдаланиш ЭКО мамлакатларига олиб борадиган йулни уч барабар қисқартиради. Ушбу китъалараро магистралларни вужудга келтириш ва уларнинг техникавий ҳолатини мустаҳкамлаш ниҳоясига етгач, Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатларининг ташқи иқтисодий алоқаларини амалга ошириш учун қулай имкониятлар яратилади. Осиё-Тинч Океани минтақаси мамлакатларидан, Ҳиндистон ва Хитойдан Яқин Осиё мамлакатларига, Туркияга, шунингдек, Европа мамлакатларига транзит юк ва йуловчилар ташишни қенгайтириш учун қулай имкониятлар очилади. Бундан ташқари, амалда Буюк Ипак йулининг йуналишларига қўйилган шундай коммуникациялар орқали дунёнинг қўпгина мамлакатлари билан мунтазам маданий, сайёҳлик ва амалий алоқаларни йулга қўйса бўлади. Аслида, бу билан МДҲ, ва Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари учун жаҳон бозорига олиб чиқадиган "жанубий йул", Жанубий, Жануби-Шарқий Осиё ва Яқин Осиё мамлакатлари учун эса Марказий Осиё бозорига олиб борадиган "шимолий йул" очилади.

Ҳалқаро транспорт ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон ҳозирнинг узидаёқ бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ва амалий чора-тадбирларни қўймоқда.

Биринчидан, транспорт коммуникацияларини инвестициялаш қиммат турадиган ва қам қўйишга келтирадиган бизнес эканлигини жуда яхши

тушунамиз. Шунга карамай, Ўзбекистон уз манбалари хисобидан иккита йирик ва стратегик мухим темир йул магистралини: узунлиги 342 километр булган Навоий — Учкудук — Султон Увайс — Нукус ҳамда узунлиги 223 километр булган Рuzор —Бойсун — Кумкургон магистрали курилишини, шунингдек, Ангрен — Кукон автомобиль йулини кайта таъмирлашни бошлаб юборди. Уларни фойдаланишга топшириш нафакат табиий минералларнинг бенихоя бой захираларига йул очиб, республика ичида транспорт катновини арзонлаштириш имконини беради, балки денгиз бандаргохларига, халқаро транспорт коммуникацияларига чиқишни ҳам таъминлайди.

Иккинчидан. Ўзбекистон республика конунчилик асосининг транспорт муносабатларини тартибга солувчи қисмини умум қабул этилган халқаро норма ва қоидаларга яқинлаштириш буйича фаол иш олиб борилмоқда. Масалан, автомобилда юк ташиш борасида МДП гувоҳномасини қуллаган ҳолда халқаро юк ташиш тугрисидаги Божхона Конвенцияси, Халқаро юк ташиш шартномаси тугрисидаги конвенция, Йул белгилари ва сигналлари тугрисидаги конвенция ва Йул ҳаракати тугрисидаги конвенция ратификация қилинди.

Ҳуқаро авиацияси соҳасида ҳаво кемаларини конунсиз эгаллаб олишга қарши қураш тугрисидаги конвенция, ҳаво кемаси бортида руй берадиган жиноятлар ва баъзи бошқа ҳатти-ҳаракатлар тугрисидаги конвенция, ҳаво кемаларида халқаро юк ташишга дойр баъзи қоидаларни уйғунлаштириш учун конвенция ратификация қилинди. Бундан ташқари, Ўзбекистон ҳуқумати халқаро ҳуқаро авиацияси тугрисидаги Конвенцияларни узгартиришга дойр яна 13 та баённомани ратификация қилди. Республикаимизнинг яқин вақт ичида халқаро йуловчи ва юк ташишни ташкил этишнинг турли масалалари юзасидан яна 17 та конвенция ва битимларга қушилиши устида иш олиб борилмоқда.

Учинчидан. транспорт-экспедиция хизмати қурсатиш ҳамда коммуникациялар тизими соҳасида чет эллик шериклар билан қушма қорхоналар ташкил этиш учун қулаш шарт-шароитлар яратилган.

Ҳозирги вақтда транспорт ва коммуникация хизматлари қурсатиш буйича бир неча унлаб қорхоналар ишлаб турибди. Улар орасида авиацияда йуловчи ва юкларни халқаро ташиш соҳасидаги қушма қорхоналар: "Осиё Рианта" (Ирландиянинг "Эр Рианта интернейшнл" компанияси ва Шеннон аэропорти билан бирга); "Аскон" (Американинг "Конкорд" корпорацияси билан бирга); "АЭРО Абда" (Ма-лайзиянинг "Абди АПР фрейг СНД ВХЛ" компанияси билан бирга); "Интер сервис Карго" (Бирлашган Араб Амирликлари билан бирга) ва бошқалар бор. Ўзбекистоннинг автомобиль транспортида халқаро йуловчи ва юк ташувчилар Уюшмаси ("АСМАП")

доирасида ҳам шундан; транспорт корхоналари ташкил этилган. Мазкур уюшма автомобилда йуловчи ва юкларни халқаро ташиш соҳасида самарали транспорт сиёсатини амалга оширишга ёрдам бермоқда. У республиканинг миллий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминламоқда.

Туртинчидан, республикада "Моторолла" (АҚДЛ), "Сименс", "Алкатель" (Германия), "ДЭУ" (Жанубий Корея) сингари етакчи чет эл компаниялари иштирокида телекоммуникация тармоқдарини қайта таъмирлаш ишлари фаол олиб борилмоқда. Замонавий телекоммуникация ва компьютер тизимлари, компьютер ва телекоммуникация техникаси ишлаб чиқарадиган қўшма корхоналар барпо этилмоқда.

Давлатнинг фаол қўллаб-қувватлаши натижасида вужудга келтирилган ва жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган ишлаб чиқариш инфраструктураси ижтимоий инфраструктура ҳамда транспорт тармоқлари ва телекоммуникациялар тизими республикада инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилмоқда. Булар чет эллик инвесторларнинг қўшма корхонадар барпо этиш билан борлик жами харажатларини сезиларли даражада камайтиради, янги қувватлар ва корхоналарни ишга тушириш муддатларини анча қисқартиради. Натижада сарфланган сармояларнинг самараси ортади.

Умуман, мамлакатда иқтисодий соҳадаги ижобий узгаришлар ва ислохотларни амалга ошириш учун етарли даражада мустақкам қонуний асос мавжуд. Етарли даражада меъёрий асос мавжуд. Бир суз билан айтганда, мамлакатда шаклланган ҳуқуқий асос ҳозир амалда татбиқ қилина бошланди.